
YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

2024-yil
5-dekabr
payshanba
№148
(5056)

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Kun iqtibosi

Har bir millatning saodati, davlatlarning tinch va rohati yoshlarning tarbiyasiga bog‘liqdir!



Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ ҳамда Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ номидаги мукофот таъсис этилади

Президентнинг «Театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, драматурглар учун Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги мукофот ҳамда ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофот таъсис этилади.

Бунда мукофотлар бўйича танловлар ҳар икки йилда ўтказилиб, уларнинг ғолиблари МҲТЭКМнинг **50** баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Режиссёр – драматург – композитор – рассом тамойили асосида ижодий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган 2025 йилдан ҳар йили август ойида «Нигоҳ» ижодий лойиҳаси амалга оширилади.

Миллий академик мусиқа санъатини ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида ҳар 2 йилда миллий композиторлар танлови ўтказиб борилади.



Янги ижтимоий шартнома бўйича резолюция:

ЕВРОПА ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЧУН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда ташкил этилган **«Янги ижтимоий шартнома: Европа ва Марказий Осиё касаба уюшмалари нигоҳида»** мавзуидаги халқаро конференцияда минтақадаги келгуси ташаббуслар учун асос бўлувчи муҳим резолюция қабул қилинди.

Экспертлар, касаба уюшмалари вакиллари ва ташкилотлари, шунингдек, жамоатчилик фикри етакчилари иштирок этган конференция ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид долзарб масалалар муҳокамаси учун муҳим минбар бўлди. Муҳокамалар давомида барча иштирокчиларнинг умумий ғоялари ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларини акс эттирувчи глобал резолюция бўйича муҳим таклифлар ишлаб чиқилди.

Мазкур анжуманда қабул қилинган резолюция 2025 йил баҳорида бўлиб ўтадиган якуний конференцияда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилади. Қабул қилинган тавсия ва қарорлар минтақа фуқароларининг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилашга, шунингдек, янада адолатли ва барқарор ижтимоий-иқтисодий моделларни яратишга қаратилган сиёсатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ҳужжат Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, минтақада меҳнат стандартлари ва инсон ҳуқуқларини такомиллаштиришга йўналтирилган келгусидаги ишлар учун таянч нуқтаси бўлади.

kasaba.uz



Ўзбекистонлик Дилором Йўлдошева дунёнинг «100 аёли» рўйхатида

ВВС 2024 йил учун дунёнинг илҳомлантирувчи ва таъсирга эга 100 нафар аёллари рўйхатини тақдим этди.

Ундан ўзбекистонлик тадбиркор аёл Дилором Йўлдошева ҳам ўрин олди.

Дилором Йўлдошева 2022 йилда бахтсиз воқеа сабаб икки оёғидан ажраган. Шундай бўлишига қарамай, у тадбиркорлик ва ресурсларни бошқариш асосларини ўрганиб, 40 дан ортиқ аёлга тикувчилик ҳунарини ўргатди. Бир неча ойда унинг корхонаси сезиларли даражада кенгайди. Йўлдошева ишчилар ва мактаб ўқувчилари учун форма тикиш бўйича шартномалар имзолади. Ўшандан буён унинг бизнеси нафақат ўзи, балки ўнлаб бошқа аёллар учун ҳам даромад манбаига айланди.

Номзодлар жорий йилдаги лойиҳанинг умумий мавзусига мослиги бўйича ҳам баҳоланди. Асосий тушунча сифатида «бардошлилик» сўзини танладик. Эътироф этамизки, бу йил бутун дунё бўйлаб кўплаб аёллар учун жуда қийин бўлди. Шу боис бардошлилиги туфайли хоҳ ўз атрофидаги, хоҳ глобал миқёсда бўлсин, ўзгаришлар ва ҳаётни яхшилашга бор кучи билан интилаётганларни танлаб олишга ҳаракат қилдик, дейди ВВС жамоаси.

100 аёл

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УЙИ

таълим, маърифат ва маданият рамзи



Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида «Инсон ҳуқуқлари уйи» очилди.


Тақдимот маросимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий нормаларни тарғиб қилишга дахлдор халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари, ОАВ ходимлари, давлат органлари мутахассислари, етакчи экспертлар, илм-фан ва жамоат арбоблари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар «Инсон ҳуқуқлари уйи»нинг очилиши мамлакатимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими тараққиёти йўлида ғоят муҳим қадам эканини эътироф этишди.

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси Сабина Маҳл, ЕХҲТ Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг собиқ директори, халқаро эксперт Маттео Мекаччи, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Сзюн, Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси вакили Биляна Милошевичлар ушбу маърифат маскани мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим, маърифат ва маданият рамзи эканини таъкидлашди.

Тадбир иштирокчилари ва меҳмонлар «Инсон ҳуқуқлари уйи»нинг фаолияти билан таништирилди. Самимий суҳбатларда янги маърифат масканининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз борди.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»



«Ishonch»нинг YouTube даги саҳифасида ушбу видео салкам **900 000** марта кўрилган.

Сизга ҳам тавсия этамиз!

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official

2024-YIL 5-DEKABR
PAYSHANBA
№ 148 (5056)

Ўзбекистонда «БИР МИЛЛИОН ЎЗБЕК ДАСТУРЧИСИ» лойиҳасининг навбатдаги мавсумига старт берилди.

Лойиҳа доирасида энг яхши икки мактабга Президент совғаси сифатида электромобиллар, юқори натижа кўрсатган ўқувчиларга 700 та ноутбук, Топ-10 ўқитувчи учун чет эл саёҳатлари ва муваффақиятли 100 ўқитувчига пул мукофотлари ажратилиши кўзда тутилган.



Танаси бошқа дард билмас



Ғузор туманининг «Гулшан» маҳалласида яшовчи Шарофат Мустафаева 5 йилдан буён уйсиз. Синглисининг хонадонида вақтинча яшаб келяпти. Боқувчиси йўқ, ўгай фарзандлари уни уйдан чиқариб юборишган. Шундан буён бошпанасиз сарсон-саргардонликда кун кечириб келмоқда. Тегишли ташкилотларга уй-жой билан таъминлашларини сўраб қилган мурожаатлари натижасиз қолмоқда. Ҳокимлик ҳам мурожаатни ўргангани ва унинг натижалари ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ҳалигача маълум қилмаган.

Шу туманнинг «Гулистон» маҳалласида истиқомат қилувчи Феруза Маъмирова уйининг томини ёпишга маблағ тополмаяпти. Шифер ва бошқа зарур қурилиш материалларига эҳтиёжи бор. Бу ҳақда тегишли ташкилотларга қилган мурожаатлари эътибордан четда қолмоқда. Шу боис у Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони» билан боғланган. Шикоят жорий йилнинг 5 ноябрь куни ижрога йўналтирилиб, Қашқадарё вилояти ҳокимлигига юборилган. Афсуски, 20 ноябргача ўрганилиши зарур бўлган мурожаат ҳали-ҳамон ўз ечимини топмаяпти.

«Икки нафар фарзандим бор, турмуш ўртоғим билан бирга яшамайман. Уй-жойим йўқ, ота-онамнинг уйида яшайман. Шароитим оғир. Уй-жой билан таъминлашларида ёрдам беришларини сўраганман», дейди Кўкдала туманининг «Айритом» маҳалласида яшовчи Соҳиба Тажиманова.

Ушбу мурожаат ҳам 7 ноябрь куни ижрога йўналтирилган. 22 ноябргача ўрганилиши натижаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда мурожаатчига маълум қилиниши шарт эканига қарамасдан ҳамон тақдири номаълумлигича қолмоқда.

Эҳтимол, бу мурожаатлар ҳақиқатдан вақт талаб қилиши, бировга уй-жой қуриб ёки таъмирлаб бериш осон иш эмаслиги ҳақида мулоҳаза юритаётган бўлишингиз мумкин. Аммо унинг ўз вақтида ўрганилмаслиги фуқаро ва давлат ўртасидаги ўзаро ишончга салбий таъсир этиши мумкин. Чунки унинг ечими ва ҳал этилиши, аввало, ана шу бошланиш – ўрганишга боғлиқ. Нима бўлганда ҳам мурожаатлар ортида турган инсонлар умиди, орзу-ўйлари масъул ташкилотлар билан боғлиқ эканини унутмаслик лозим.

Шундай мурожаатлар борки, ўқиб оралиғида «Берсанг ейман, урсанг ўламан», қабилида иш тутишни хушламайдиган, ўз ҳаётини ўзи йўлга қўйишга «қўли калта»лик қилиб, эгаллаган касб ва ҳунарини даромад манбаига айлантиролмаётганлар, турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартириш учун тегишли ташкилотлар ва раҳбарлардан биргина туртки, амалий ёрдам кутаётганлар ҳам борлигини кўрамиз.

Улардан бири Деҳқонобод туманидан Гулчеҳра Мўминова айни пайтда бир нечта касалликларга қарши даволаняпти. Ўзи нафақадалиги, субсидия асосида тикув машинаси берилса, дори-дармонлари учун пул ишлаб топиши, ҳунари ортидан даромад кўрмоқчилиги хусусида маълум қилган. Бироқ 15 кунлик белгиланган муддат ўтса ҳамки мурожаат ўрганилмай қолмоқда. Қизиқ, масъуллар масалага тезроқ ечим топишса, Гулчеҳра Мўминованинг касаллиги зўрайиб кетмаслиги, яна бир камбағал оила фаровонлик сари қадам ташлаши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришганмикан?!

Қисқасини айтганда, шу йилнинг ноябрь ойи ҳолатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони» орқали келиб тушган мурожаатларнинг Қашқадарё вилояти ҳокимлигига ижро учун юборилган 16 таси белгиланган муддатларда ўрганилмай, қолиб кетмоқда. Биз уларнинг бир қисмигагина тўхталдик, холос. Юқорида шарҳи тўлиқ келтирилмаган мурожаатларда фуқаролардан бири турмуш шароити оғирлиги учун моддий ёрдам сўраганини, яна бошқаси қизи I гуруҳ ногирони эканини, даволаниши учун ажратилган пуллар тўлиқ берилмаётгани, яна бирови эса турмуш ўртоғини даволатиш учун моддий ёрдам сўраганини, шунингдек, тадбиркорликни йўлга қўйиш учун кўмакка муҳтожлиги, қолаверса, оилавий келишмовчиликлар хусусида ёзилган. Бир сўз билан айтганда, қалбини бир ташвиш ўртаётган кўплаб инсонлар интизорлик билан ўз мурожаатлари жавобини кутишмоқда.

Хўш, мурожаатлар ўз вақтида ўрганилмай келаётгани ҳақида мутасаддилар нима дейди?

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

БИЗНЕС ҲАҚИДА БИЛИМЛАР

«Аграр соҳа аёллари» уюшмаси хотин-қизларни агробизнесга жалб қилиш, уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида бизнесни ривожлантириш бўйича касаба уюшмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, белгиланган режага асосан жойларда қатор ўқув-семинарлари ўтказиб келмоқда. Улардан бири Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида ташкил этилди.

«Замонавий технологиялар асосида манзарали ўсимликлар ва гуллар етиштиришни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида бизнесни режалаштириш ва молиялаштириш, маркетинг ва брендлаш» мавзусидаги тадбирда тадбиркорлик қилиш истагида юрган 25 нафар ишсиз хотин-қиз иштирок этди.

Кейинги йилларда манзарали ўсимликлар ва турли гулларга талаб ортиши республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалиб бориши билан бевосита боғлиқдир. Йирик шаҳарлар билан бир қаторда, мамлакатимизнинг энг чекка туманларидаги ободончилик ишлари, янги-янги уй-жой ва бошқа замонавий бинолар кўпаяётгани натижасида манзарали ўсимликлар ва гулларга бўлган эҳтиёж ҳам ортмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоқларидан бири бўлган манзарали ўсимликлар, гулларнинг анъанавий ва маҳаллий турлари, навларидан ташқари хориждан келтирилаётган турли манзарали ўсимликлар, гуллар юртимизнинг ҳар бир гўшасини обод қилишга хизмат қилмоқда. Ушбу соҳа ривожи учун давлатимиз томонидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қатор имконият ва имтиёзлар тақдим этиляпти.

Республика ҳудудларида гулчилик ва кўчатчиликни ривожлантириш, маҳаллий, хорижий гул навларини парваришлаш, аҳоли ўртасида гулчилик сир-асрорларини оммалаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2021 йилда Президентнинг тегишли қарорлари қабул қилинган. Уларда тадбиркорлик субъектлари, ишсиз хотин-қизлар, ёшларнинг мазкур йўналишдаги билим ва салоҳиятларини ошириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Бу каби жиҳатлар эътироф этилган, манзарали ўсимликлар ва гуллар етиштириш ҳамда ўз бизнесини йўлга қўйишга доир замонавий билимлар берилган тадбирда иштирокчилар келгуси фаолиятларида зарур бўладиган маълумотларни олишди.

Орзугул РУСТАМОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши хотин-қизлар комиссияси раиси



НАМУНАЛИ ФАОЛИЯТ ЭЪТИРОФИ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида фаолият олиб бораётган муассасалар ўртасида «Маънавий-маърифий ишлар намунали йўлга қўйилган ташкилот» танловини ташкил этди.

Бунинг учун тегишли низом асосида тасарруфдаги

7 та

олий таълим даргоҳининг

206 нафар

профессор-ўқитувчиларидан иборат Ишчи гуруҳ қуйи бўғинлардаги

769 та

ташкилот ва муассаса фаолиятини ўрганди ва баҳолади. Якуний натижаларни умумлаштириш ҳамда таҳлил қилиш tanlov.agro.uz платформаси орқали амалга оширилди.

Танлов якунларига кўра, биринчи ўрин Уруғчиликни ривожлантириш марказига насиб этди. Иккинчи ўринга Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази лойиқ кўрилди. «Ўздавер-лойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти учинчи ўринни эгаллади. Ғолибларга танлов ташкилотчиларининг совғалари топширилди.

Шунингдек, «Маънавий-маърифий ишлар тизимли йўлга қўйилган ташкилот», «Маънавий-маърифий ишлар тизимли йўлга қўйилган ҳудудий ташкилот», «Маънавий-маърифий ишлар тизимли йўлга қўйилган туман бўлими», «Маънавий-маърифий ишлар тизимли йўлга қўйилган илмий-тадқиқот муассасаси» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Шу билан бирга, қуйи органларда ўрганиш ва баҳолаш жараёнларида фаол иштирок этган олий таълим муассасаларининг 24 нафар профессор-ўқитувчиси ҳамда ушбу жараёнларни рақамлаштириш ишларида қатнашган Тошкент давлат аграр университетининг 3 нафар дастурчи мутахассисига танлов ташкилотчиларининг ташаккурномалари берилди.

Амир АҲМЕДОВ



Кейинги йилларда Ватанимиз спортчилари халқаро мусобақаларда жуда кўп ютуқларни қўлга киритишмоқда. Уларнинг орасида энг кўп тилга олинаётгани ва ўз ютуқлари билан бутун дунёни тан олдираётганлари – боксчиларимиз ва шахматчиларимиз, албатта.

Одатда, катта мусобақаларга кичик мусобақалар орқали борилади. Ана шундай, яъни катта йўлга олиб чиқувчи мусобақалардан бири – Ўзбекистон рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда акциядорлик тижорат «Алоқа банк» ҳамкорлигида ўтказилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ходимлар ўртасида Халқаро шахмат академиясида ўтказилган мазкур мусобақада қуйи босқичларда ғолиб бўлган 60 нафар иштирокчи қатнашди. 35 ёшгача бўлган ходимлар ўртасида шахматга бўлган қизиқишни янада оммалаштириш мақсадида ўтказилган турнир аввалида Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор Эшонхўжаев ва бошқалар сўзга чиқишиб, барчани Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 32 йиллиги байрами муносабати билан қутлаб, иштирокчиларга омад тилашди.

Юқори савияда ташкил этилган мусобақада ходимлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда, яъни эркаклар ва аёллар ўзаро беллашдилар.

Етти тур доирасида ўтказилган мусобақанинг республика босқичида аёллар ўртасида фахрли биринчи ўринни Тошкент ахборот технологиялари университети ходими Зуҳра Ҳожибоева, иккинчи ўринни «Ёшлар» телерадиоканали бош ҳисобчиси Холида Раҳимова ва учинчи ўринни «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 1-тоифали муҳандиси Ҳилола Дунямалиева қўлга киритди.

Эркаклар ўртасидаги мусобақада эса, биринчи ўрин «UZINFOCOM» ходими Хуршид Қодировга, иккинчи ўрин «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ходими Шуҳрат Тоҳировга ва учинчи ўрин Тошкент ахборот технологиялари университети кичик илмий ходими Сирожиддин Машариповга насиб этди.

– Ташкилотчиларга раҳмат! Мусобақа ҳар жиҳатдан зўр ўтди, – деди «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти ходими Жайрона Ўринбоева. – Совриндорлар қаторидан жой олишимга салгина омад, аниқроғи, бир очко етмади. Ҳа, майли, муҳими бу эмас. Энг муҳими, кўпчилик билан танишдик, улар билан фикрлашдик, дўстлашдик.

Ғолиблар ва совриндорлар диплом, медаль ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Агар иштирокчиларнинг барчасига совғалар берилгани ҳамда мусобақа давомида дўстона кайфият ҳукм сурганини ҳисобга олсак, мусобақада ҳеч ким ютқазмади.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

АҚШ Конгресси 2 йиллик текширувдан сўнг коронавирус лабораторияда яратилганини эълон қилди. Ҳисоботда айтилишича, COVID-19 Ухан вирусология институтидан сизиб чиқиш орқали тарқалган. Мақола муаллифлари бир нечта далилларни келтирдилар, жумладан, вирус табиатда топилмаган биологик хусусиятларга эга. Шу билан бирга, америкалик ва европалик олимлар коронавирус ўчоғи Ухандаги денгиз маҳсулотлари бозори бўлганини исботлаганди.



Ishonch
3

НОТЎҒРИ БОСИЛГАН ҚАДАМ

Хорижга чиққан кўп инсонлар қайтишда ўзи билан турли маҳсулот, совға-саломлар олиб келиши, табиий. Буни тўғри тушуниш керак. Лекин ушбу имкониятдан ҳамма ҳам тўғри ва адолатли фойдаланмайди. Айрим кишилар борки, тегишли қонунларни писанд қилмай, тақиқланган маҳсулотларни олиб киришга ҳаракат қилишади.

Жиззахлик У.Сатторов ҳам ана шундай ишга қўл урганлардан бири. У 11 ноябрь куни «Нью Йорк – Тошкент» йўналишидаги HY102-сонли авиарейс билан мамлакатимизга учиб келган. Божхона назорати зонасининг «яшил» йўлаги орқали ҳаракатланаётган вақтида «Тошкент – АЭРО» ИБК Контрабандага қарши курашиш шўъбаси ва Тошкент шаҳри аэропортларида ХТБ ТҚБ тезкор ходимлари томонидан назоратдан ўтказилди. Шу аснода унинг ёнидан 6 дона «west coast» ёзувли (ўткир ҳидли суюқлик солинган) картридж (вайп), 2 дона «Yocan ARI Plus» ёзувли вайперайзер (вайп чекиш учун мослама) топилди. Айни пайтда ушбу ҳолат бўйича «Тошкент – АЭРО» ИБК томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Қонунбузарлиги учун У.Сатторов тегишли тартибда жавобгарликка тортилади.

Умирбек ЁҚУБОВ,
Тошкент шаҳри аэропортларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси, Тезкор қидирув бўлими, Терроризмга қарши курашиш гуруҳи катта тезкор вакили, подполковник

* * *

БОЖХОНАДАН ЎТМАГАН КИТОБЛАР

Сирдарёлик М.Эшназаров Миср Араб Республикасидаги «Ал-Азхар» университетида таҳсил олади. У таътилда юртига қайтди. Аммо... Тошкент халқаро аэропортининг божхона назорати «яшил» йўлагидан ўтаётганда тезкор ходимлар томонидан тўхтатилди. Маълум бўлишича, у 113 та диний адабиётни ҳеч қандай декларация ҳужжатисиз олиб келаётган экан.

Ҳолат мутасаддилар тарафидан тегишли тартибда расмийлаштирилди. Бу ҳолат бўйича бир тўхтамга келингунга қадар китоблар тегишли органлар назоратида сақланадиган бўлди.

Ш. ЖУМАБОЕВ,
Тошкент шаҳри аэропортларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси, Тезкор қидирув бўлими, Терроризмга қарши курашиш гуруҳи катта тезкор вакили, лейтенант

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ НИ ТАРБИЯЛАЙДИ

биз бу имкониятдан қанчалик фойдалана оляпмиз?



МАҚОЛЛАРНИ ХАЛҚ ЯРАТАДИ. ЯРАТГАНДА ҲАМ, ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР ОРҚАЛИ СИНАБ КЎРИБ, ПИШИТИБ АЙТАДИ. ШУ САБАБ УЛАРДА ХАЛҚ ВА МИЛЛАТ РУҲИ АКС ЭТАДИ.
МАҚОЛЛАР МУКАММАЛ ИЖОД НАМУНАСИ, УЛАРДАГИ НАФАҚАТ СЎЗЛАРНИ, ҲАТТО ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИ ЎЗГАРТИРСАНГИЗ ҲАМ МАЗМУНИГА ПУТУР ЕТАДИ. ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ – МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ САНДИҒИ.
ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИ ЎҚИШ, АНГЛАШ ОРҚАЛИ БИЗ НАФАҚАТ ТИЛИМИЗНИНГ НАФОСАТИНИ, БАЛКИ МИЛЛАТИМИЗ ТАФАККУРИ ҚУДРАТИНИ ҲАМ КЎНГЛИМИЗГА, ШУУРИМИЗГА ЖОЙЛАЙМИЗ.

Фармон ТОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Бугун китоб дўконларида бошқа халқлар мақоллари, ҳикматли сўзлари жамланган ихчам китобчалар кўпайган. Ижтимоий тармоқлар эса, уларни зўр бериб тарғиб қиляпти.

Шундай пайтда кўнглимдан бир оғриқли савол кечади: нега биз кейинги пайтда ўзбек халқ мақолларини кенг тарғиб этмаяпмиз?

Бундай дейишимнинг боиси бор. Ҳозир нима кўп – китоб чоп этадиган нашриёту босмахона кўп, турли-туман китоблар нашр этиляпти. Афсуски, бу китоблар орасида ҳам ўзбек халқ мақолларини топиш қийин. Яқинда пойтахтдаги китоб дўконларини кезиб, на кирилл, на лотин алифбосидаги бундай китобчаларни топа олмадим.

Иш юзасидан кўплаб идоралар раҳбарларининг хонасига киришимга тўғри келади. Шундай пайтда раҳбар столига ёки бор бўлса, китоб жавонига зимдан разм соламан, аммо халқ мақоллари китобларига кўзим тушмайди. Ким билади, эҳтимол, айнан ана шу ҳолат учун ҳам айрим раҳбарларимиз жамоаси ёки аҳоли, аниқроғи, мурожаатчи билан суҳбатда етакчи руҳига мос бўлмаган сўз ва иборалари қўллашяптими?..

Адабиёт фани муаллимлари билан учрашувда сўрадим, 30 нафар ўқитувчининг бирортаси ҳам ўзбек халқ мақолларидан ўнтасини ёддан айтиб бера олмади. Ваҳоланки, кўплаб адиб ва ижодкорлар (хусусан, ўзим ҳам) турли рукнларда, салоҳияти гарчи мақолларга тортмаса-да, фалсафий фикрлар ёзишни, уларни ихчам китобча қилишни ўрганишди. Абдулла Қаҳҳорнинг афоризмлари, Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» китоблари ҳануз қўлма-қўл, қайта-қайта нашр этилмоқда, ҳатто хорижий тилларга ўгирилмоқда.

Демоқчиманки, бу жанр, энг аввало, ҳадислар, алломалар ҳикматли сўзлари ва халқ ҳаёти, тажрибаси натижасида юзага келган. Катта асарларни ўқиш сусайгани боисми, билмадим, бундай китобларга эҳтиёж ошган. Бу яхши ҳолат, албатта.

Лекин мақоллар, ҳикматли сўзларни қачон кенг тарғиб қиламиз? Нега ҳамманинг нигоҳи тушадиган, доимий эътибордаги жойларга одамларни эзгуликка чорловчи, уларга сабоқ бўладиган, нотўғри йўлдан қайтарадиган мақолларни ёзиб қўймаймиз?

Кўчага назар солсангиз, рекламаларнинг шунақа турлари пайдо бўлганки, уларнинг жозибаси кўзни қамаштиради. Минг афсуски, бирон жойда, ҳатто, олий ўқув юртларида ҳам халқ мақоллари ёзилган ташқи реклама воситаларини кўрмайсиз. Ҳар қалай, таълим масканлари ва шифохоналарда алломаларимизнинг ибратли сўзларини ёзиб қўйишган, шунисига ҳам шукр.

Назаримда, ўзбек мақолларининг ўқилишини ташкил этишда ҳозиржавоблик мавриди келди. Бу ишни кечиктириб бўлмайди. Шу боис айрим таклифларни билдиришни жоиз топдим.

Биринчидан, «Ўзбек халқ мақоллари» китоби аҳолининг турли қатлами, жумладан, ёшларга, кексаларга, турли соҳалар кишиларига мўлжаллаб амалдаги ва янги алифбода чоп этилиши зарур. Болалар учун, албатта, расмлар билан босилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Халқ мақоллари мазмунини болаликдан, ёшликдан ўзлаштириш киши шууридаги миллий руҳни кучайтиради.


Иккинчидан, ҳар бир оилада, идора раҳбари столида халқ мақолларига оид китоблар бўлишига эришмоқ зарур. Ишончим комил, ҳар куни ўз халқининг мақолларига бир кўз югуртирган киши албатта панд-насиҳат учун сўз бойлигига эга бўлади. Ота-онанинг мақолларни билиши ва ўқиб туриши эса болада ҳавас уйғотади.

Учинчидан, барча идоралар, ташкилотлар, хусусан, ўқув масканлари ҳовлиларида, бино деворларида ўзбек халқ мақоллари ёзиб қўйилиши шарт. Чунки бу услуб ҳам бебаҳо ҳамда таъсирчан сабоқ, таҳсил ҳисобланади. Кўриб – кўз ўрганади, ўқиб – дил равшанлашади, англаб – фикр теранлашади.

Тўртинчидан, бадиий асарларда ўзбек халқ мақоллари ва иборалари қўлланилишини ўрганишга доир илмий тадқиқотларни кўпайтириш зарур. «Ўзбек фразеологик луғати»нинг фундаментал нашрини тайёрлаш пайти ҳам келди. Бу савобли ишни Самарқанд давлат университети олимлари, профессорлар Ҳамдам Бердиёров ва Бекмурод Йўлдошев бошлаб, ихчам хрестоматия ҳам чиқаришганди, бироқ кейинчалик бунга эътибор сусайди.

Бешинчидан, барча оммавий ахборот воситалари – босма нашрлар, телевидение, радио, интернет сайтлари халқ мақолларини бериб борса, яъни қўпчиликка эслатиб турса, ёмон бўлмасди.

Халқ мақоллари шу халқнинг узоқ йиллик тарихи давомида ижтимоий муносабатларда юзага келган турмуш тарзининг ифодаси. Уни тартиб, ахлоқ кодекси ёки низом ўрнида қабул қилишган. Демак, халқ мақолларини пухта ўзлаштириш, энг аввало, миллий менталитет барқарорлигини таъминлайди, одамни фикрлашга, тартибга ўргатади. Бу хислатлар эса, ўз ўрнида, миллатнинг ижтимоий фаолланишига кўмаклашади.



ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ПАНДЕМИЯСИ

Ўзбекистонда нега ҳамон тугамаяпти?



Мамлакатимиз денгизу уммонлардан узоқ ҳудуд. Бу қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳозир бевосита шу билан боғлиқ сиёсий, иқтисодий, геополитек масалалар ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Аксинча, инсон саломатлигига оид оддий ҳолат – йод модасига тўхталмоқчимиз.

Ҳа, Ўзбекистон денгиздан холи ҳудуд бўлгани боис йод танқислиги азалдан бўлган ва ўз ечимини топмаётган муаммо ҳисобланади.

Мазкур масалани ижобий ҳал этиш учун олимлар изланиб-изланиб, муаммони ош тузини йодлаш орқали ўзгартириш мумкин, деган якдил хулосага келишган. Ва 2007 йилда унга тааллуқли «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Унда қатор вазифалар белгилаб қўйилган. Хусусан, истеъмол бозорини йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни кўриш, уларнинг сифати ҳамда хавфсизлиги, сақлаш шароитлари устидан давлат назоратини юритиш, соҳадаги илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, болаларни ва туғиш ёшидаги аёлларни таркибида йод бўлган препаратлар билан профилактик таъминлаш, бу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш билан шуғулланаётган субъектларнинг стандарт талабларига риоя этишини таҳлил қилиш шулар жумласидандир.

Хўш, ўтган давр мобайнида бу борада қандай натижаларга эришилди? Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда йод танқислиги ҳолатларининг тарқалиш даражаси 31 фоизни ташкил этиб, 20 йил мобайнида 2,5 баробарга камайган. Аслида бу ҳолатдан бутунлай чиқиб кетган бўлишимиз мумкин эди. Амалда Ўзбекистон ҳали-ҳануз йод танқислиги бўйича оғир ҳудуд бўлиб қолмоқда.

Хусусан, ўтган 2023 йилда йод танқислиги касаллиги ҳар 100 минг аҳолига Қорақалпоғистон Республикасида *(2160,7)*, Сурхондарё *(1883,3)*, Жиззах *(1494,0)* Бухоро *(1262,2)* вилоятларида мамлакат кўрсаткичларига нисбатан *(912,4)* баланд бўлгани ташвишли ҳол.

Ушбу рақамлар «йод танқислиги пандемияси» давом этаётганидан далолат эмасми? Нега шундай бўлмоқда? Бунинг ечими кимга ёки қайси омилларга боғлиқ?

Назаримизда, масаланинг бирдан-бир, энг осон ва қулай ечими, юқорида таъкидлаганимиздек, ош тузини йодлаш. Бундан бошқа чорамиз йўқ. Лекин буни ҳамма ҳам бирдек англаб етмаяпти. Айниқса, тадбиркорлар ўзларига берилган ваколат ва имконият, имтиёз ва билдирилган ишончни суиистеъмол қилишяпти. Мана, фикримизга далил: Жорий йил 29 ноябрь куни Олий Мажлис Сенатида бўлиб ўтган йиғилишда «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишга оид қисми ижросини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, 2024 йилнинг 9 ойи якуни бўйича, ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатганки, мамлакатимизда 94 та ош тузи ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва ундан фойдаланувчи корхона мавжуд. Уларнинг бор-йўғи 24 тасида лабораториялар бор, фақатгина 72 тасида дозаторлар ўрнатилган. Лекин айрим дозаторлар мутлақо талабга жавоб бермайди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ўтказган текширувлар жараёнида айнан туз ишлаб чиқарувчи корхоналардан олинган 263 та намунадан 65 тасида *(25 фоиз)*, савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларидан олинган 1110 та намунанинг 347 тасида *(31,5 фоиз)*, мактабгача ва мактаб таълими муассасаларидан олинган 3613 та намунанинг эса 1263 тасида *(35 фоиз)* йод миқдори белгиланган талабга жавоб бермаслиги аниқланган. Сирдарё вилоятида эса ҳеч қандай ҳужжатсиз тузни қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва ташиш фаолияти билан ноқонуний шуғулланиб келаётган 4 та корхона борлиги маълум бўлган.

Уларда тузни йодлаш дозаторлари йўқ. Буям етмагандек, омборларда маҳсулотларни сақлаш қоидаларига амал қилинмаган, қайта ишлаб чиқариш учун келтирилган бирламчи тузлар тегишли ҳужжатларсиз, хусусан, сертификатсиз сақланган.

Умуман олганда, ўрганишлар мобайнида туз белгиланган талабга жавоб бермайдиган пакетларга қадоқланиб, тайёрланган санаси кўрсатилмаган ҳолда сотувга чиқарилаётгани, энг ачинарлиси, қадоқларга «йодланган ош тузи» деб ёзиб, аслида йодланмаган техник туз солинаётгани аёнлашган.

Дахшатли маълумотлар, шундай эмасми? Наҳотки, тадбиркорлар шунчаликка боришаётган бўлса? Иймон-инсофини, виждонини сотишга уларни нима мажбур қиляпти? Нафснинг ҳакалак отишими ёки бу ерда бошқа сабаблар, яъни тузни йодлаш билан боғлиқ қандайдир тўсиқ ва қийинчиликлар борми?

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бош мутахассиси Абдураҳмон Исмоиловнинг айтишича, бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. Аксинча, тадбиркорларни йод билан таъминлаш ҳукуматнинг доимий диққат-эътиборидаги масала.

– Бугунги кунга 92 та корхона туз ишлаб чиқаради, – дейди Абдураҳмон Исмоилов. – Шундан 43 таси тайёр йодланган ош тузини қадоқлаш билан, 49 таси ош тузини йодлаш ва қадоқлаш билан шуғулланади. Айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида туз ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорларга йод моддаси етказиб берилмоқда ва бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. Захиралар етарли. Барча ишлар доимий назоратимизда. Аниқланган камчиликларни имкон қадар жойида бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Бироқ айрим тадбиркорлар масъулиятдан қочишяпти. Шунинг учун аҳолига тузни рухсат этилган шохобчалардан харид қилишни, қолаверса, ким томонидан ва қачон ишлаб чиқарилганига, истеъмолга яроқлилик муддатига алоҳида аҳамият қаратишни тавсия қиламиз. Жоиз бўлса, сотувчидан тузнинг йодланганини тасдиқловчи ҳужжатини сўраш даркор. Жамоатчилик назоратини фаоллаштириш орқали мазкур масалани ижобий ҳал этишимиз мумкин.

Кўриниб турибдики, тузни йодлаш бўйича ҳеч қандай чеклов, бюрократик тўсиқлар йўқ. Давлат тадбиркорларга йодни пешма-пеш етказиб бермоқда. Демак, гап бошқа ерда. Бу инсон омили, аниқроғи, тадбиркорларнинг виждони билан боғлиқ жараён.

Тасаввур қилинг, бутун бошли бир вилоятда фаолият юритаётган корхоналарнинг биронтаси белгиланган тартибда фаолият олиб бормаса, яъни тузни қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва ташиш билан ноқонуний шуғулланиб келса-ю, биров уларнинг мушугини пишт демаса... Бу фожиа эмасмикан?!

Демак, миллатнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан, ҳам маънан заволатга юз тутишига сабаб бўлаётган бу ҳолатга шунчаки «тадбиркорлик фаолиятига аралашиш мумкин эмас» деган фикр билан жим қараб туришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Зотан, гап инсон қадри, унинг саломатлиги, миллат келажаги ҳақида кетмоқда. Бу – қайсидир ноинсоф тадбиркорнинг жиғилдонидан минг чандон устун турадиган долзарб масала. Демак, айни йўналишда мутасаддилар жиддий ислоҳотлар олиб боришлари жоиз. Токи, халқнинг келажаги виждонсиз тадбиркорлар қўлида барбод бўлмасин!

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ўтказган текширувлар жараёнида айнан туз ишлаб чиқарувчи корхоналардан олинган 263 та намунадан 65 тасида *(25 фоиз)*, савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларидан олинган 1110 та намунанинг 347 тасида *(31,5 фоиз)*, мактабгача ва мактаб таълими муассасаларидан олинган 3613 та намунанинг эса 1263 тасида *(35 фоиз)* йод миқдори белгиланган талабга жавоб бермаслиги аниқланган. Сирдарё вилоятида эса ҳеч қандай ҳужжатсиз тузни қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва ташиш фаолияти билан ноқонуний шуғулланиб келаётган 4 та корхона борлиги маълум бўлган.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»



Ishonch



Ажиниёз ҚЎСИБОЙ ўғли

Ошиқ – ёрсиз, булбул – гулсиз,
Кийик – чўлсиз, сўна – кўлсиз,
Зевар айтур, юртсиз, элсиз
Одам бир девона менгзар.

2024-YIL 5-DEKABR
PAYSHANBA
№ 148 (5056)



Қорақалпоқ ўйларида

Абдусаид КЎЧИМОВ

ҚОРАҚАЛПОҒИМ

Гоҳ бахтдан энтикиб балқди қуёшинг,
Гоҳ сиғмай Жайхунга оқди кўзёшинг,
Эҳ, не-не гамларни кўрмади бошинг,
Бирда шам, бирда чўғ, бирда чақмоғим –
Қорақалпоғим.

Балки, Авестодан қадимдир шонинг,
Номинг – қорақалпоқ, туркийдир қонинг,
Тошдан-да қаттиқдир ҳар тишлам нонинг,
Қурдошим, элдошим, улуғ аймоғим –
Қорақалпоғим.

Кимлардир қашқирдек таладилар хўп,
Кимлардир товонинг яладилар хўп,
Курашдинг гоҳ ёлғиз, гоҳида тўп-тўп,
Гоҳ айни баҳорда қувради боғинг –
Қорақалпоғим.

Кезиндинг гоҳ Эдил, гоҳо Ёйиқда,
Ёғийлар даф қилди гоҳо айиқдай,
Кунларинг тўфонда қолган қайиқдай,
Бўронда, довулда тобланган тоғим –
Қорақалпоғим.

Ул қора кунларинг армондир бу кун,
Сену мен – улуғвор карвонмиз бу кун,
Жасур Юртбошимиз сарбондир бу кун,
Овулим, бовурим, кўзим, қароғим –
Қорақалпоғим.

Оролга қайтмоқда эрка чорлоқлар,
Мўйноқ даштларида оҳу, сайғоқлар,
Устюртда юлдуздек ёнган чироқлар,
Қуёшдек порлагай мангу порлоғим –
Қорақалпоғим.

Райҳонга кўмилгай чўлларинг энди,
Бургутдек кўкка шай, қўлларинг энди,
Зиёга чўмилгай йўлларинг энди,
Эй, меҳри булоғим, қалби қайноғим –
Қорақалпоғим, Қорақалпоғим.

* * *

ИККИМИЗ БИТТА ЖОН – ЎЗБЕКИСТОНМИЗ!

(1 декабрь – Қорақалпоқ тилига давлат тили мақоми берилган кун)

Жайхундай жўшмоқда ғурурдан элинг,
Қайтадан туғилди бугун жон тилинг,
Қушдай қанот ёзди очиб қулф-дилинг,
Сенинг она тилинг – менинг ҳам тилим,
Менинг ҳам дилимдир, сенинг ҳам дилинг,
Сен қорақалпоқсан, мен эса ўзбек,
Мен қорақалпоқман, ўзбексан сен ҳам.
Иккимиз битта жон, битта виждонмиз –
Ўзбекистонмиз!

Илло, осмонимиз, юлдузимиз бир,
Азамат чинормиз – илдизимиз бир,
Сокин кечамиз бир, кундузимиз бир,
Дастурхонимиз бир, нон-тузимиз бир,
Байраму тантана, наврўзимиз бир,
Сен қорақалпоқсан, мен эса ўзбек,
Мен қорақалпоқман, ўзбексан сен ҳам,
Иккимиз битта жон, битта қўрғонмиз –
Ўзбекистонмиз!

Бу тилда жировлар ёр-ёр айтдилар,
Бахшилар тақдирга аҳрор айтдилар,
Қирққизлар оҳуга асрор айтдилар,
Қўбизлар гулларга изҳор айтдилар,
Кунхўжа, Бердақлар ашъор айтдилар,
Ибройим Юсуфлар такрор айтдилар,
Сен қорақалпоқсан, мен эса ўзбек,
Мен қорақалпоқман, ўзбексан сен ҳам,
Иккимиз битта шеър, битта достонмиз –
Ўзбекистонмиз!

Менинг ҳам дардимдир Оролнинг дарди,
Кўзимга тўтиё ғубори, гарди,
Асл қорақалпоқ – мардларнинг марди,
Тоғларни титратгай муштининг зарби,
Достонга лойиқдир ҳар шеър, ҳар фарди,
Азалдан эгиздир қалбимга қалби,
Сен қорақалпоқсан, мен эса ўзбек,
Мен қорақалпоқман, ўзбексан сен ҳам,
Иккимиз битта ер, битта осмонмиз –
Ўзбекистонмиз!

01.12. 2024 йил



ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИНГ...

Бепоён қучоғинг осмондек кенгдир,
Ҳар сиқим тупроғинг олтинга тенгдир.

Юлдузлар рақс тушар дала-даштингда,
Бургутлар ҳавас-ла боқар шаштингга.

Чўл эмас, хазина саҳро, чўлларинг,
Хазина Хўжакўл, Довудқўлларинг.

Судочье кўлидек кўл йўқ дунёда,
Ер ости зарларинг ундан зиёда.

Сен яна оламни Шарққа қаратдинг,
Заминда тенги йўқ ўтов яратдинг.*

Юртига қайтмоқда, ана, сайғоқлар,
Зангори либослар киймиш қирғоқлар.

*Қадим Оқшоқхон*ни ёритгандек шам,*
Қаддин тиклаётир кекса Орол ҳам.

Эй, менинг кўрклигим, қора бўрклигим,
Бижанақ, ўғузим, асл турклигим.

Бу қадим ҳақиқат, қадим талқиндир:
Энг катта бойлигинг улуғ халқингдир.

30.11. 2024 йил

*** Нукусда яратилган улкан ўтов Генеслар китобига киритилди.**
*** Оқшоқхон – қадимги қалъа.**

ТАЪЗИМ

Осонмас, фароғат, роҳатдан кечиб,
Чангларга буланиб ўзга элларда;
Осонмас, саҳрода самумлар ичиб,
Умрни ўтказмоқ тақир чўлларда.

Кезиб қорақалпоқ заминин бот-бот,
Ғойибдан яратиб тенгсиз мўъжиза;
Савицкий* деган ул кибриё зот,
Ҳайкал қўйиб кетди ўзи ўзига.

Шу камтар сиймони ўйласам, гоҳо,
Тўплар ўкириги келар шимолдан.
Гўридан чиққандек бўлади даҳо,
Кўксини тутганча қонли шамолга.

Қоплаб бораётир оламни тутун,
Азага айлангай қайдадир тўйлар.
Бўронлар тўзгиган оламга бу кун,
Етишмай турибди Савицкийлар.

Нафасинг бўғилиб аччиқ тутундан,
Ҳайқиргинг келади, ҳей сиз, нокаслар;
Искандар не топди босқин, зулумдан,
Не топди Чингизхон деган чапдастлар?

Сен ҳам ариқларга зардоб тўлдириб,
Минг-минг ғўдакларни қилгунча сағир;
Ичингдаги ёвуз қуртни ўлдириб,
Зиёга интилсанг бўлмасми, ахир?!

Оқпадар, деганди Гитлерни Ғафур*.
Наҳот, дарс бўлмади бу, одамкушлар?
Сенлар на маъжусий, сенлар на кофир,
Сендан орлангайдир ҳатто қарғишлар.

Қандай разолат бу, қандай кулфат бу,
Кеча баҳам кўриб тишлам нонини;
Бугун тупроғига ёғдириб оғу,
Қондош – қондошининг ичса қонини...

Тўлиб бораётир дунё ғамларга,
Ғазабинг қайнайди зикри ётларга.
Таъзим қилмоқ керак шундай дамларда
Савицкий каби оддий зотларга.

02.12. 2024 йил

***Игорь Витальевич Савицкий - Қорақалпоғистон давлат санъат музейи асосчиси.**
***Ғафур - Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом.**



АЙҚУЛАШ

Қорақалпоқ санъатин сайқалидир Айқулаш,*
Шу мўътабар оламнинг ҳайкалидир Айқулаш.
Унда ўғуз, бижанақ, қора буркли сози бор,
Унда қўбиз, гижжак, дап, чиндовулнинг нози бор.
Унда бордир Қизилқум, Оролқумлар армони,
Тупроққалъа, Ойбўғир, Аёзқалъа карвони.
Бадайтўқай, Устюртнинг салобати ундадир,
Султон Увайс тоғининг аломати ундадир.
Унда жўшиб мастона рақс тушар балиқлар,
Битиб кетар бир зумда дилингдаги ёриқлар.
Бургутларнинг шиддати, йўлбарс шашти бор унда,
Алпомиш Бойчиборин қанотлари ёр унга.
Унда бордир саксовул, юлғунларнинг алёри,
Бордир қорақалпоқнинг ёзи, кузи, баҳори.
Тенг келолмас булбуллар, Жиен жиров созина,
Ибройимбей оғамнинг ўзи улкан хазина.
Кумуш каби ялтирар тонгги оппоқ қировлар,
Қировларни куйлатар Бердақ айтган жировлар.
Қизғалдоқзор далалар гулхан ёқиб туради,
Тўлқин-тўлқин туйғулар дилга оқиб киради.
Раққосалар хироми хаёлларми, тушларми,
Ё осмонни тўлдириб учаётган қушларми?
Булутлардан ошғайдир чавандозлар тулпори,
Булут каби тошғайдир қорақалпоқ шўнқори...
Қорақалпоқ санъатин сайқалидир Айқулаш,
Шу мўътабар оламнинг ҳайкалидир Айқулаш.

03.12.2024 йил

***Айқулаш – қорақалпоқ халқининг қадимий рақси. Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли.**

Азиз газетхон!

Мароқли дам олинг!



Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
Маракада ўтур-туришин кўринг.
Биров билан ошно бўлай десангиз,
Аввал иқрорида туришин кўринг.

Комилжон Отаниёзов ижросида
«Кўринг» қўшиғи
Махтумқули Фироғий шеъри

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A. Abdurahmonov

Musahhih: D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 01:00
Topshirildi – 01:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 010 ta
Shundan:
7 128 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1211

1 2 3 4 5 6